



HAYOT DAVOMIDA TA'LIM OLISH: YANGI PARADIGMALAR VA KUTILADIGAN NATIJALAR

FAN, TA'LIM VA AMALIYOT INTEGRATSIYASI

ISSN: 2181-1776

Кучқоров Жавлон Суюндик ўғли¹, Абдиҳолиқова Хусния²

¹Самарқанд давлат университети Каттақўрғон филиали “Бизнесни бошқариш”
кафедраси ўқитувчиси,

²Самарқанд давлат университети Каттақўрғон филиали ижтимоий иш йўналиши
талабаси

ПЕДАГОГОГ ХОДИМЛАР ФАОЛИЯТ САМАРАДОРЛИГИ ОШИРИШДА ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ

Аннотация

Ушбу мақолада ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарблиги, бу фанларга чуқурроқ кириб бориш, янгидан янги фан дастурлари ва технологияларини жорий этиш, ижтимоий ишнинг фан сифатида ижтимоий жараёнлар ва жамиятнинг ижтимоий ривожланишига хос бўлган муҳим, зарур алоқалар ва ҳодисаларни очиб бериши ёритиб берилган.

Дунё жуда тез ва олдинда айтиб бўлмайдигандек ўзгариб бораётган бир пайтда ижтимоий ва гуманитар фанларни мукамал ўрганиш учун яхшироқ вақтни кутиб туриш жоиз эмас, деб ўйлайман. Аксинча, айни дамда бу фанларга чуқурроқ кириб боришимиз, янгидан янги фан дастурлари ва технологияларини жорий этишимизни замон биздан талаб этмоқда. Аввало, Ижтимоий фанлар нима? деган савол туғилиши табиий. Ижтимоий фанлар жамиятни ўрганишга бағишланган илмий фанлар гуруҳидир. Ижтимоий фанлар қаторига биз антропология, сиёсатшунослик, ижтимоий иш, психология, иқтисод ва бошқаларни киритишимиз мумкин. Ушбу фан соҳаси одамларнинг бир-бири билан қандай муносабатда бўлишини, ўзини тутишини, маданият сифатида ривожланишини ва дунёга қандай таъсир қилишини ўрганади. Ижтимоий фанлар - бу шахсларнинг жамиятда ўзини қандай тутишига эътибор қаратадиган академик фанлар гуруҳидир. Ижтимоий фанлар тарихи, ижтимоий фанларнинг келиб чиқиши қадимги юнонларга бориб тақалади. Улар олиб



борган ҳаёт ва инсон табиати, давлат ва ўлим ҳақидаги дастлабки тадқиқотлар Ғарб цивилизациясини шакллантиришга ёрдам берди. Ижтимоий фан академик соҳа сифатида Европада 18-асрнинг катта қисмида гуллаб-яшнаган маърифат давридан ривожланган [4; 146].

Ижтимоий фанлар ўрганиш соҳаси сифатида физика, биология ва кимё каби мавзуларни қамраб оладиган табиий фанлардан ажралиб туради. Нима учун ажралиб туради? Негаки ижтимоий ва гуманитар фанлар жисмоний, маданий дунёни ўрганишдан кўра, инсонлар ва жамиятлар ўртасидаги муносабатларни, шунингдек жамиятларни ривожланиши ва фаолиятини ўрганади. Ушбу фанлар кўпроқ сифатли тадқиқот методологияларига таянади. Бугунги кунда мамлакатимизда айнан ижтимоий фанларга бўлган эътиборнинг кучайиши сабабларидан бири ҳам, бу - инсондир. Инсонни ўрганиш ҳар қандай даврда мураккаб ва кўп қиррали ҳодисадир. Ш ўринда Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон стратегияси” асарининг туб замирида ҳам айнан инсон ва унинг манфаатлари мужассамдир десак, муболаға қилмаган бўламиз. Чунки Янги Ўзбекистонни ривожланган давлатлар қаторига олиб чиқиш, аввало, шу давлатнинг инсонларини, фуқароларини эркин ва фаровон яшашини таъминлаш орқали эришиш мумкинлиги бугунги замонда барчамизга аён бўлган ҳақиқатдир. Президентимизнинг “Одамлар эртага эмас, бугун бахтли яшашни истайдилар” [1; 218] деган тамойилини илгари суриши ва бугунги сиёсатимизнинг устувор юналишига айлантиришда айнан шу маъно-мазмун мужассамдир.

Ижтимоий фан нима учун муҳим? Ижтимоий фанлар муҳим аҳамиятга эга чунки улар одамларга нафақат ўзларининг хатти-ҳаракатларини, балки тенгдошларининг хатти-ҳаракатлари ва мотивациясини қандай таҳлил қилишни тушунишга ёрдам беради. Ижтимоий ва гуманитар фанлар бизга янада инклюзив ва самарали институтларни қандай яратишни тушуниш имконини беради. Қандай қилиб ижтимоий олим бўла оламиз? деган саволга одатда, ижтимоий фанлар бўйича касбга эга бўлиш ёки мамлакатимизда ташкил этилган университетлар, институтларда очилган ижтимоий фанлардан бирида 4 йиллик илмий даража олишдан бошланади [3; 75]. Бу давр мобайнида биз ўз мутахассислигимизни чуқур ўрганиш билан бир қаторда уни амалиётга янги технологиялар ёрдамида татбиқ эта олишни ҳам билишимизни замон талаб қилмоқда. Шу ўринда Президентимизнинг яна бир фикрларини келтириб ўтсам: “Мени анча йиллар мобайнида ўйлантириб келган ва келаётган бир нарса бор, У ҳам бўлса ижтимоий ишни ривожлантириш ва унга янгича қиёфа касб эттиришдир [1; 231]. Яқин-яқингача ва ҳозир ҳам ижтимоий иш бизга керак эмас, деб ҳисоблайдиган айрим “профессорлар” орамизда борлигини инкор этолмаймиз, мен бу борада “Ижтимоий иш кодекси”ни ишлаб чиқиш бугунги давр талаби деб ҳисоблайман” [2; 209], деганларида нақадар ҳақ гапларни айтиб ўтган десам адашмаган бўламан. Чунки, бугунги кунда айнан профессионал таълимга эга бўлган ижтимоий соҳа вакиллари озчиликни ташкил этади. Нима учун ижтимоий иш ҳақида фикр юритаётанлигим ҳақида тўхталиб ўтсам, ижтимоий фанлар қаторига ижтимоий ишнинг ҳам киритилганлигидир.



Шундан келиб чиқиб ижтимоий ишга алоҳида тўхталдим. Айнан ижтимоий иш ҳам инсоннинг инсонга гуманистик ёрдамини ифодалайди. Ижтимоий иш фан сифатида ижтимоий жараёнлар ва жамиятнинг ижтимоий ривожланишига хос бўлган муҳим, зарур алоқалар ва ходисаларни очиб беради ва ўрганади. Шахснинг ривожланиши ва хулқ-атворига иқтисодий, психологик, педагогик ва бошқарув таъсирининг моҳиятини белгилайди. Ижтимоий иш фалсафа, сиёсатшунослик, ҳуқуқшунослик, иқтисод каби ижтимоий фанлар орасида алоҳида ўрин тутаяди ва психология, социология ва тиббиётга мойиллиги кўпроқдир.

Социология, ижтимоий психология, тарих ҳам баъзан ижтимоий фаннинг бир тармоғи сифатида қаралади, кўплаб тарихчилар бу фанларни кўпинча гуманитар фанлар билан яқинроқ боғлаш деб ҳисоблайдилар. Инсонни гуманитар фанлар ҳам, ижтимоий фанлар ҳам ўрганади. Уларни фарқлайдиган, ажратиб турадиган нарса қўлланиладиган техникадир.

Ижтимоий фанлар бўйича одатий касбларга иқтисодчи, психолог, ижтимоий ишчи ёки давлат, нотижорат ташкилотларида ишлаш киради. Ижтимоий иш ва иқтисод соҳасидаги касблар АҚШда энг тез ривожланаётган соҳалардан биридир[1]. АҚШда ижтимоий фанлар бўйича дастлаби таълим бошланғич мактабларда бошланади ва ўрта мактабларда иқтисод ва сиёсатшунослик каби ижтимоий фанларга урғу берилган ҳолда ривожланади. Бунинг боиси шундан иборатки, айнан бошланғич синфлардан бу фанларнинг ўқитилиши, келажакда мазкур фанларнинг кенг тараққий этилиши билан белгиланади. Бизнинг мамлакатимизда ҳам ижтимоий-гуманитар фанларнинг ўқитилиши жаҳон тажрибасидан андоза олган ҳолда олиб борилмоқда. Хулоса қилиб айтганда, ижтимоий фанлар бизга энг яхши билимларни беради. Ҳозирги кунда ижтимоий фанлар бизга янада самарали институтларни қандай яратишни ва унинг ривожланиши учун қандай технология ва методлардан фойдаланиши тушуниш имконини бермоқда. Ижтимоий гуманитар фанларни тушуниш жамият қандай ишлашини тушунтиришга ёрдам беради, иқтисодий ўсиш ва ишсизлик сабабларидан тортиб, одамларни нима бахтли қилишига қадар ҳамма нарсани ўрганади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ахмедов И.Н. Миллий ғоя шаклланиши, ривожланиши ва амал қилиши қонуниятларининг ижтимоий фалсафий таҳлили (Ўзбекистон мисолида). Фалс.фан.бўйича фалс.доктори (PhD) дисс.автореферати. – Самарқанд – 2020.

2. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. - “Ўзбекистон”, Тошкент- 2021.

3. Юсупов э. ва бошқалар. Ижтимоий бошқарув тизимининг тадрижи ва давлатнинг шаклланиши. – Т., 2005. 75-бет.

4. Яхшиликков Ж.Й., Муҳаммадиев Н.Е. Миллий ғоя – тараққиёт стратегияси. – Т.: «Фан», 2017. 146-бет